

Ҳамиджон ЎТАНОВ
* * *

БИР ОФИЗ ГАП

*(Хотиралар, қатралар,
хажвиялар, шеърлар)*

«Ҳаёт» нашриёти
Андижон – 2005.

84(59)6-4

Ю 31127
0 0
81

Журналист Ҳамиджон Ўтановнинг ушбу китобчасига унинг Рустам Раҳмон, Муҳаммад Юсуф каби халқимизнинг сеvimли фарзандлари ҳақидаги хотиралари, ибратли катралари, ҳажвиялари, шеърларидан намуналар жамланди.

Умид киламизки, булар муҳтарам ўқувчиларга манзур бўлади.

03-02-05
ХТ-ЎХ- _____ ША
02-02-05

Ўтанов Ҳамиджон. «Бир оғиз гап».
(Хотиралар, катралар, ҳажвиялар, шеърлар).

© «Ҳаёт». А-2005

2005
A/538
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston M.

О Т А

Киш кунларининг бирида Турсунбой отани излаб, Қорақўрғонга, унинг хонадонига бордим. Мени оппоқ соқоли кўксига тушиб турган бир нуроний кутиб олди.

-Келинг, ўғлим. Уйга кириг, - таклиф қилди отахон.

Мен у кишига:

- Сиз тўғрингизда ёзмоқчиман, мухбирман,- дедим.

Отахон сўзларимни унчалик уқмади. Овозимни қаттиқроқ чиқариб гапиришга тўғри келди. Билдимки, отахоннинг қулоқлари оғирроқ. «Энди бу кишидан қандай «гап оламан», -деб ташвишланиб турган эдим, бу ерга қора сатин тўн кийган, басавлат киши кириб келди. Уни танидим. У Турсунбой отанинг катта ўғли Иброҳимжон ака эди. Биз биргалашиб отахон яшайдиган хонага кирдик.

Хона саранжом-саришта, иссиқ экан. Унинг ўртасига ҳам сандал, ҳам иситкич ўрнатилган экан. Сандал устига дастурхон ёзилиб чой-нон, шириликлар қўйилди. Сухбатимиз ўз - ўзидан қовушиб кетди. Иброҳимжон ака отасига меҳр билан тикиларкан, гапни узокдан бошлади.

- Отам 1907 йили шу ховлида туғилган экан, раҳматли онамиз -1986 йилда дунёдан ўтган. Улар 11 фарзанд кўришган, аммо шулардан 6 тасини эгасига топширган. Бешта қолганмиз. Айниқса, биз фарзандларини ўқиб, олий маълумот олишимизда, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда онамизнинг ҳиссаси катта бўлган. Атиги 4-синфни битирган бўлса ҳам, онамизнинг зеҳнлари ўткир эди. Ҳар қандай мисол-масалалар шартини ўқиб берсангиз, дарҳол оғзаки ечиб бериш қобилиятига эга эди. Ота-онамиз бизнинг дарс тайёрлашимизга барча шарт-шароитларни яратиб беришарди. Чунки уларнинг ўзлари ўқимаганликлари учун бизларнинг илми бўлишимизни исташарди. Шукрлар бўлсинки, биз ота-онамизнинг ишончини оқладик.

Оиламизда катта акам Тўхтасиннинг ўрни алоҳида ажралиб турарди. У ўзининг билим ва ақли, халоллиги, ишчанлиги, меҳнатсеварлиги, одамохунлиги билан тез орада катта-кичик ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовар бўлганди. Оддий

ўқитувчиликдан туман раҳбари вазифасигача кўтарилганди. Биз акамиздан фахрланардик.

Инсон ҳаётида ҳар доим қувончли кунлар бўлавермаслигини билдим. Минг афсуски, акамнинг умри қисқа экан. 1957 йили автомобиль халокатиға учраб, фожиали халок бўлган. Акамнинг ўлими ота-онамиз қалбига фарзанд доғини солиб кетди.

Иброҳимжон ака узоқ бир тин олди-да, деди:

- Келганингиз яхши бўлди. Акамни эсладик. Руҳи шод бўлсин. Энди қолган фарзандлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам. Биласиз, мен мактабда ўқитувчилик қиламан. Укам Муҳаммаджон шаҳар ҳокими. Собиржон муҳандис. Абдуҳолиқ туман ҳокимлигида масъул вазифада. Ҳар қандай шароитда отамиздан бир хабар олмасак, кўнглимиз ўрнига тушмайди. Ота рози, Худо рози деб бекорға айтмаган доно халқимиз.

Иброҳимжон аканинг айтишича, Турсунбой отанинг 20 нафар невара, 5 нафар чевараси бор экан. Отахон 86 ёшга кирибди.

Турсунбой ота меҳнат фаолиятини «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигида бошлаб, 43 йил фидокорона меҳнат қилди. Ўзининг ҳалол меҳнати билан бола-чақа боқди. 1942 йили ҳамма қатори немис-фашист газандаларига қарши курашиш учун отланди. Ленинград қамалида бўлди. Жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Урушда бир кўзидан ажралди. 1945 йилнинг ноябрь ойида жонажон қишлоғига қайтиб келди. 10 дан ортиқ орден ва медаллар билан тақдирланган.

Мақоламиз қаҳрамони Турсунбой ота Юнусалиев I-гурух ногирони бўлишига қарамай, хўжаликда звено бошлиғи, бригадир вазифаларида баҳоли-қудрат меҳнат қилди. Эрта баҳордан то кеч кузгача дала юмушлари билан шуғулланди. Пахтадан мўл ҳосил етиштириб илғорлар сафидан ўрин олди. Отанинг меҳнатлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланди. Халқ хўжалиги ютуқлари кўرғазмасида қатнашди.

- 1950 йиллар бўлса керак, - деб эслайди Иброҳимжон ака суҳбатни давом эттириб. - Ўшанда 6-синфда ўқир эдим. 5 қути ипак курти боқар эдик. Отам саҳар туриб, 45 боғ барг кесиб, уйга олиб келиб, яна далада, гўзаларга сув қўярди. Бу ҳол кечқурун яна давом этарди. Отам ҳеч қачон ишлаб чарчамас, ҳаётдан зорланмас эди. Пилладан ҳам мўл ҳосил олар эдик. Ҳақиқатан ҳам, отам ҳақиқий меҳнаткаш инсон бўлган. Бу билан мен

падарибузрикворимнинг меҳнаткашлигини, ҳалоллигини таъкидла-моқчиман, холос.

Турсунбой ота одамларнинг меҳр-оқибатидан қувват оларди...

РУСТАМ РАҲМОНОВ

1979 йил. Ўша вақтларда «Андижанирстрой»га қарашли Марҳамат механизациялашган кўчма сафи ишчиси эдим. «Ок олтин» газетасида ёзган мақолаларим, кичик ҳикоя, ҳажвияларим тез-тез чиқиб турарди. Бундан ташқари, республикада газета-журналларида ҳам материалларим бот-бот эълон қилинарди. Уларни ишчи ҳамкасбларим қизиқиб ўқишар, мени табриклашарди. Мен бундан катта завқ-шавқ, илҳом олиб мухбирликка қизиқишим тобора ортарди. Мен билан ўқчилик Авазбек Чўтанов деган йигит ҳам бирга ишларди. Ёзганларимни биринчи бўлиб бу йигит ўқир: «Зўр нарса ёзибсиз»деб мактаб кўярди.

Бир куни Авазбек: «Мени бутун Ўзбекистон танийдиган тоғам бор» деб қолди. Менинг қизиқишим ортиб: «У киши ким, мени тоғангиз билан таништириб қўйинг», - деб илтимос қилдим: «Тоғам ёзувчи ва журналист Рустам Раҳмонов бўлади»-деди у.

1979 йилнинг куз ойларида Авазбек билан Рустам Раҳмонов хонадонига бордик. Ёзувчи Ширмонбулоқ қишлоғида яшар экан. Бахтимизга шу (якшанба) куни Рустам ака уйда бўлиб, хонадон юмушлари билан машғул экан. Авазбекнинг тоғаси бизни илиқ кутиб олди. Ёзувчи қанақа бўларкин деб уни бошидан оёғигача билдирмай кузатдим. Устоз ўрта бўйли, тўлагина, бошидаги дўпписи ўзига ярашган, кўз ойнаги ҳам юз тузилишига мос, ҳазилкаш,самимий инсон экан. Бу сатрларни ёзаётганимда устоз сиймоси кўз олдимга шундайлигича келди. Шу-шу Рустам Раҳмонов билан танишиб, тез-тез уйига, ишхонасига тортинмай борадиган бўлиб қолдим. Ёзганларимни кўриб, таҳрир қилиб берар эди.

Бир куни: «Ҳамма ёзганларингизни олиб келинг»-деди. Мен ҳикоя, ҳажвия, катра ва хандаларимни тўплаб домлага (устозни домла дер эдим) олиб бордим, яхшилаб таҳрир қилиб берди, хат ёзиб: «Шуни Тошкентга бориб, шоир Сайёрни топиб ўзинга беринг», - деди.

Мен Рустам аканинг ҳимматидан қувона-қувона Тошкентга бордим.

Сайёр ака ўша вақтларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлар экан. Уни топиб ҳол-аҳвол сўрашгач, тортинибгина хатни бердим. Сайёр ака қизиқиш билан хатни ўқиди, юзидан хурсандлиги билиниб турарди.

-Рустам аканинг шоғирдимисиз? - деди Сайёр ака майин жилмайиб. - Рустам акани менга жуда кўп фойдаси теккан. Яхши инсон, - деб устознинг сиҳат-саломатлигини, уй ичларини сўради. Ёзганларимни Сайёр акага топширдим. Орадан бир ойлар чамаси ўтгандан кейин шоир Сайёрдан хат келди. Хатда шундай сўзлар ёзилган эди:

«Хурматли Ҳамиджон Ўтанов!

Менга ташлаб кетган машқларингизни ўқиб чиқдим, анча қўлингиз келиб қолибди. «Ёшлик» алманахига, «Муштум», «Қишлоқ ҳақиқати» (ҳозирги «Қишлоқ ҳаёти»), (ҳозирги) «Туркистон», «Таббасум»га тавсия қилдик. Кўп ва хўп ёзинг. Тўланбойга ёзганларингизни жўнатиб туринг.

Салом билан Сайёр».

Шундан кейин ўзимда ҳам бу соҳага қизиқиш юз чандон ортди.

1980 йили сиртдан Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кириш учун ҳужжат топширдим. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлдим. Албатта, бу ютуғимда ҳам Рустам Раҳмоновнинг ёрдами тегди.

Газетада ишлаш менинг армоним эди. 1981 йил 1 сентябрда менга омад кулиб боқди. Азалий орзуйим амалга ошди. Туман «Оқ олтин» газетасига ишга кирдим.

Албатта бунда ҳам устозларим - Рустам Раҳмонов, Қодиржон Тошболтаев, Тошпўлат Тешабоев, Шаҳобиддин Ғаффоровларнинг хизматлари катта бўлган.

Бир куни тахририятимизга Рустам Раҳмонов келди. Ижодий ходимлар билан кўришиб, Қодиржон ака Тошболтаевга қарата:

«Ҳамиджон бизнинг шоғирд бола, қараб юринг», - деб тайинлади.

Устоз Ҳозирги «Туркистон», «Ўзбекистон овози», Ўзбекистон радиосининг «Ёшлик» тахририятида, «Гулистон» журналида

рахбарлик лавозимларида ишлаб, ўз бурчини сидкидилдан бажариб, ажойиб шогирдлар етиштирган.

Рустам Раҳмонов Жалакудук туманида ишлаганини ҳам эшитгандим. Устоз тўғри сўзлиги учун, тўғрироғи, битта гапи учун ишдан олиниб, газеталарда унга қарши танқидий мақолалар ёзилган экан. Рустам ака туманда ишлаб юрганда, кинолаваха ёзган. Бир рахбар рус ўрток бу ишга шерик бўлиш ниятида ўзининг исми, шарифини қўшмоқчи бўлган. Рустам ака бунга кўнмаган. Бир йиғилишда сўзга чиқиб:

- Қачонгача отга у қашиб юрамиз? - деган экан. У даврда ҳеч ким бунақа иборани айтолмасди. Шу битта гапи учун Рустам Раҳмоновга нисбатан тайзиқлар, адолатсизликлар бошланган. Рўйхатлардан тушиб қолган. Лекин бу ноҳақликлар, камситишлар олдида устоз тушкунликка тушмади. Қайтанга, сабр-бардош билан қатъий туриб журналистик фаолиятини бадиий ижод билан қўшиб олиб борди. Радио мухбирликда йигирма икки йил ишлади.

Рустам ака ўндан ортиқ китоб ёзган. Деярли ҳамма китобларини ўқиганман. «Қишлоғимиз болалари», «Уч оғайни паҳлавон», «Тиниб - тинчимас», «Бахт билан учрашув», «Севги ҳаримас», «Меҳр кўда», «Келин», «Чангалзордаги шарпа», «Қутлуғ қадам» каби ҳикоялар тўплами, қиссалари, романи ўқувчилар қалбини забт этган.

Устознинг меҳнатлари мустақиллигимиздан кейин тақдирланди. У «Ҳурмат белгиси», «Халқлар дўстлиги», «Ўзбекистон мустақиллиги» нишони билан мукофотланган.

На илож, ўлим ҳақ. Бир келмоқнинг бир кетмоғи бор экан, ammo устоз Рустам Раҳмонов ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўз изини колдириб кетди.

МУҲАММАД ЮСУФНИ ЭСЛАБ...

Марҳамат тумани Қовунчи қишлоғига йўлим тушди. Бу ерда Қовунчи алоқа бўлими бошлиғи Абдукарим ака Абдураззоқов билан танишиб қолдим. Гап айланиб шоир Муҳаммад Юсуфга қадалди.

- Шоирнинг энг яқин қадрдони мен бўламан, - деди у. Менинг бу кишига қизиқишим сртиб, уни гапга солдим.

Абдукарим ака, мана, 33 йилдирки, бир жойда алоқа бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келаркан. Унинг айтишига қараганда

Қовунчи қишлоғида 1170 та хонадон бўлиб, 686 нафар пенсионер яшар экан. Абдукарим ака раҳбарлик қилаётган мазкур алоқа бўлими ходимлари хат-хабарларни, газета-журналларни, иенсия пулларини ўз вақтида эгаларига етказиб, бошқа алоқа бўлимлари ўртасида пешқадамлик қилмоқда. Уларнинг бу беминнат хизматидан қовунчиликлар хурсанд.

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси собиқ депутаты, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг собиқ ўринбосари, таниқли шоир, марҳум Муҳаммад Юсуф ҳақида Абдукарим ака ўз хотираларини, шундай сўзлар билан бошлади:

- Бизнинг Қовунчи қишлоғимиздан кўплаб улуғ инсонлар етишиб чиққан. Жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони Отахон Аламов; Солижон Мамарасулов, Эргашвой Қурбонов, Обиджон Акбаровдек номдор шахслар, Дўстлик ордени нишондори Турғунбой Бозоровлар...

Мен Муҳаммаджон билан болаликдан бирга ўсганман. Анҳорларда чўмилиб, тупроқларга бағримизни бериб, ўзимизни офтобга тоблаганмиз. Онамиз дуррага тугиб берган нонимизни сувга чўмиб еганмиз. Далаларда мол боққанмиз, ўша дамлар ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Мен бу хотираларимни сизга айтиб ёки матбуотда чиқариб, Муҳаммад Юсуфнинг обрўсига шерик бўлмоқчи эмасман. Ёки мақтаниш ниятим ҳам йўқ. Шоирнинг 50 йиллиги нишонланган кунлари жуда кўпчилик хотиралар ёзди. Лекин энг яқин қадрдони, дўсти, сирдоши - мен бўлсам, жим турдим. Фақат қалбим йиғлади. Ундан яхши хотиралар қолди...

Адашмасам, 1986 йили Тошкентга икки ойга малака ошириш учун ўқишга бордим. Ўша пайтларда Муҳаммаджон «Тошкент оқшоми» газетасида ишларди. Энди шеърлари газета-журналларда эълон қилиниб, халқимизга танила бораётган эди. Мен дарҳол Муҳаммаджонни топиб, у билан бирга бўлдим. У мени Тошкентни кўзга кўринарли гўзал жойларига олиб борди. Ётоқхонада ҳам, меҳмондорчиликда ҳам ҳеч бир-биримиздан ажралмадик. У менга ўзининг янги ёзган шеърларини ўқиб берар, мен эса билганимча ўзимнинг фикр-мулоҳазаларимни айтардим.

Бир куни шеър ўқиди. Мен бўлмайди, деб эътироз билдирдим. У вақтларда бундай шеърлар матбуот юзини кўрмасди. Муҳаммаджон мени бир ерга меҳмондорчиликка олиб борди.

Тахминан 12-13 метр узунликдаги кенг залга стол қўйилиб, дастурхон тузалган, озиқ-овқат, нози-неъматлар мўл-кўл. Мен таниган, танимаган, шоир, ёзувчилар ўтиришибди. Ҳамма менга қарайди. Омадим бор эканми, у ёққа сурилиб, бу ёққа сурилиб, Абдулла Орипов ёнидан жой олдим. Бир томонимда Муҳаммад Юсуф. Шоирлар шеър ўқишди. Микрофон йўқ, қадах сўзлар айтилмади. Бир-бировини мақташмади. Абдулла Орипов Муҳаммад Юсуфга имо қилиб: «Тур, шеър ўқи», - деди. Муҳаммаджон иккита шеър ўқиди. Шеър нафақат Абдулла Ориповга, балки шу ерда ўтирганларга ҳам маъкул бўлди. Ҳамма уни олқишлади. Абдулла ака: «Яна ўқи», - деди. Шоир менга «ёқмаган» шеърини ўқиди. Мен бу шеърни ўқима деган мақсадда унинг оёғини босдим. Лекин шоир парво қилмай, барибир шеърни ўқиди. Яримига келганда Абдулла Орипов: «Тўхта, ўқима, кераги йўқ», - деди. Орадан бир ой ўтиб қишлоғимизга Муҳаммад Юсуф келди. Сизга Абдулла Орипов салом айтди, деб унинг саломини етказди. Маълум бўлишича, Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуф ўртасида менга ёқмаган шеър муҳокама қилинган. Менинг бу шеър ҳақидаги эътирозларимни у Абдулла Ориповга айтган. Бундан гаъсирланган шоир оддий алоқа ходими билган нарсага нега сенинг ақлинг етмади деб уни койиган. Мен бу билан ўзимни кўрсатмоқчи эмасман. Шеър ниҳоятда гўзал, ўқимишли эди. Бироқ бу шеър ғояси ўша вақтдаги сиёсатга сиғмасди.

Муҳаммад Юсуф шону шуҳратга интилмасди. Шону шуҳрат, обрў-эътибор унинг орқасидан қуварди. Баъзан бундай даҳмазалардан тўйган шоир танҳоликни истарди.

Ҳа, шоир мансаблардан, дабдабазликлардан ниҳоятда чарчаган пайтларда мени излаб топарди. Менинг эски пачоқ машинида Улуғ тоғ томон кетардик. Роса мириқиб тоғ ҳавосидан тўйиб нафас олардик.

Яхшиларни эслаш бир савоб бўлса, ўтганларнинг яхши фазилатларини эслаш ҳам бир савобдир. Пайгамбаримиз: «Ўтганларнинг яхши сифатларини эслаб юринглар» деб марҳамат қилган эканлар. Мен Муҳаммаджоннинг яна бир мардлигини, очиққўллигини эсга олмоқчиман. Шаҳарнинг гавжум кўчаларининг бирида зах ерда бир аёл тиланиб ўтирган эди. Муҳаммаджон қўлини чўнтагига тикиб, бир сиқим пулни аёлнинг

кир дурраси устига қўйди. Хайратда қолган аёл нима қилишини билмай, йиглаб туриб дуо қилган.

Муҳаммад Юсуф шундай инсон эдики, ҳатто устидаги кийимини ҳам бировга кийдириб юборарди. Ундан катта бойлик ҳам қолмади. Лекин қўли очик, саҳий инсон эди. Муҳаммад Юсуф: «Сиз ҳақингизда китоб ёзаман», дерди. Мен таажжубланиб: «Мен оддий алоқа ходими бўлсам, мени нимами ёзасан?», - дердим. Йўқ, кейин билсам, у мен ҳақимда китоблар, шеърлар ёзган экан, худди мен тўғримда ёзилгандек. Муҳаммад Юсуф шоир бўлиб, ўзига ҳайкал яратди. Бироқ у мен учун ҳали ҳам тасаввуримда ўша ёшлигимизда бугдой нонни сувга чўмиб еган боладай қолган...

ҒЎЗА «ЖИНИ»

Туман ҳокимлигининг масъул ходими Холматжон ака Қувватовга ғўза экини парвариши бўйича маълумотнома ёзиш топширилди. Фактлар тайёр. Холматжон ака маълумотнома яхшироқ чиқсин деган ниятда ўша вақтда туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Фолибжон Боймирзаев хонасига бош суқиб, маълумотнома ёзиб беришни илтимос қилади. Унинг мутахассислиги агроном эмасми, шунинг учун ҳам Холматжон аканинг илтимосига йўқ дея олмади.

Маълумотнома тайёр бўлади. Холматжон ака уни ҳоким ёрдамчиси Мирзакарим Раҳимов қўлига топширади. Ёрдамчи эса маълумотномани ҳоким столига қўйиб чиқади. Ўша вақтда раҳбар бўлиб ишлаган раҳматли Абдуманноб ака Расулов маълумотномани кўздан кечириб туриб, бир сўзга эътиборини қаратади. Маълумотномада ғўза «жини» деган сўз бор эди. Бундан хайрон бўлган раҳбар ўз ёрдамчисини чақиртиради.

- Мана бу маълумотномани ким ёзган?

- Қувватов.

- Чақиринг.

Зум ўтмай Қувватов унинг хонасида пайдо бўлади.

- Буни сиз тайёрладингизми? - маълумотномани кўрсатади Абдуманноб ака.

- Ҳа.

- Ғўза «жини» нима дегани?

Холматжон ака аввал ҳайрон бўлади. Кейин буни аграном Фолибжон ёзган-ку, у билиб ёзади, деган хаёлда:

- Янги термин, - дейди.

- Ўзингиз ёзганмисиз? - қайта сўради Расулов.

- Йўқ, Фолибжон ёзган, ахир у агроном, қишлоқ хўжалиги соҳасини яхши билади.

- Чақиринг Фолибжонни.

Зум ўтмай Фолибжон ҳам раҳбар хонасига кириб келди.

- Буни сиз ёзганмисиз? - маълумотномани кўрсатди Абдуманноб ака.

Ҳеч нарсага тушунмаган Фолибжон кўрка-писа:

- Ҳа, - деди.

- Ғўза жини нима дегани?

Фолибжон ҳам хайрон бўлиб жавоб беришга ожизлик қилади.

Шунда Абдуманноб ака:

- Қўлёзмани олиб кириш, - буюрди. Келтирилган қўлёзмани ўқиб кўрдилар. Ҳақиқатан ҳам унда ғўза «жини» деб аниқ-равшан ёзилган эди. Охири хатосини тушунган Фолибжон:

- Ғўза «жини» эмас, «ғўза экини» деб ёзиш ва ўқиш керак эди, - дейди. «Э» билан «к» бирга қўшилиб «ж» ҳарфига ўхшаб, ўқилганда «жини» сўзи келиб чиққан.

Раҳматли Абдуманноб ака очиқ кўнгил, самимий инсон бўлганлиги учун ҳам кулиб-кулиб, уларни чиқариб юборади.

НОВЕЛЛАЛАР

БИР ОҒИЗ ГАП

Карим билан Салим - ён қўшни. Бир куни улар бирга ўйнашаётган эди, Каримни онаси чақириб қолди.

- Ҳой Каримжон! Менга озгина ёрдам берсанг-чи. Ўриклар пишиб тўқияпти. Қоқи қилиш керак. Салимга қўшилма. Уни тергаб йўлга соладигани йўқ. (Салимнинг отаси бундан бир-икки йил бурун вафот этган эди). Унга ўйин бўлса бас. Онаси Каримни уйга бошлаб кириб кетди. Шу пайтда Каромат опа кўчага чиқиб қолди. «Тергайдиган одами йўқ» дегани онага тарсакидай тегди. Бу хотинни бошлаб сўқмоқчи ҳам бўлди, аммо ўзини босди. Унгача Салим онасининг ёнига келди. Унинг мурғак қалбида қандайдир ғашлик пайдо бўлган эди. Отасиз болалар билан бирга

ўйнаш мумкин эмас экан-да. Нега? Бу саволларга жавоб тополмас эди у.

Каромат опанинг кўзи ёшланди. Салим онасига жовдиради.

- Кўй, хафа бўлма, отанг бўлмаса, акаларинг бор-ку, - деб юпатди ўғлини.

Она ўғлининг бошини силади. Кўлидан ушлаб уйга бошлади.

Кечқурун Салим ўкишиб «отам»лаб бўзлади. Қани энди она ўғлини юпата олса?! У ҳам ўғлига кўшилиб йиғлади...

КҮНГИЛ ШИШАСИ

Каромат Кимсанбойнинг нимасини ёктириб қолди. Кўнгли очиклигиними, қайсарлигиними ё полвонлигиними? (Кимсанбой икки қўлида икки пуд, тишида ҳам икки пуд тош кўтариб, тўйларда ўйнаб юрарди). Каромат уни зимдан кузатар, лекин дилидагини унга айтгани қизлик ғурури йўл қўймас эди.

Каромат қурилиш техникумини тамомлаб, ишга келганида, Кимсанбой билан танишди. Тўғрироғи, Кимсанбой унинг қўлида ишлайдиган қурувчиларнинг бири эди.

Каромат бу йигитга иш буюрганда, пухта ва сифатли қилиб бажарар, аммо эшитилар-эшитилмас ғудраниб кўярди: «Кунимиз қиз болага қолибди-да» деб.

Ишчиларнинг кўпчилиги бола-чақали, бўйдоқ йигитлар озчиликни ташкил этарди. Улар Кароматга гоҳ-гоҳ ҳазил қилиб туришар эди. Бу ҳазилларга у янги келганда, кўника олмай юрди. Кейинчалик ўрганиб ҳам қолди.

Кимсанбой эса қизнинг унга бўлган пинҳоний мойиллигидан беҳабар. Ишчиларнинг кўпчилиги Кароматнинг Кимсанбойга муносабати бошқача эканлигини сезишар ва бу ҳақда Кимсанбойга гапириб, унинг энсасини қотирардилар. Кимсанбой бу гапларга парво қилмас эди, аксинча ундан ўзини олиб қочар эди. Айиқса, Кароматнинг эркаклар билан қўл бериб кўришгани Кимсанбойнинг гашини келтирарди. У қизга кўнгили учун ҳам ўзича бир оғиз гапирмас, гапирганда ҳам, «салом», «яхшимисиз»дан нарига ўтмас эди.

Бир куни кекса ишчи Саид ака Кароматнинг улар олдида келаётганини кўриб, яқинлашганда, ҳазил аралаш деди:

- Кимсанбой, нега туриб кетяпсан? Ахир Кароматхон сени деб келяпти!

- Э Саид ака, қизиксиз-а. Унга илакишиб, нима қилдим, бир кунда нечта эркак билан гаплашади, - деди.

Бу гап Кароматнинг қулоғига чалинди-ю, таппа тўхтаб қолди. Юрагига муз ботгандай бўлди.

«Вой қора кўнгилей, ҳали сени ёқтириб юрганмидим? Эҳ аттанг!», деди-да, шарг бурилиб хонасига кириб кетди.

ҲАЖВИЯЛАР

«АМАКИМ»НИНГ ДАМИ

Қурилишга ишга кириш учун бошлиқ Холчаев ҳузурига кириб, аризамни унга узатдим. Холчаевнинг икки бети товоқдай, калласи эса бозордаги нокка ўхшаб кетаркан.

Холчаев аризамни ўқиб кўрдию, бирдан барок қошларини чиририб:

- Қосимхўжайев кимингиз бўлади? - деб сўраб қолди. Табиатан сал ёлғончироқман. Баъзида ёлғон ҳам асқатади кишига. Таваккал қилиб:

- Ака- уканининг болаларимиз, - деб юбордим.

Холчаев менга узоқ тикилди. Ранги ҳам сал оқаргандек бўлди назаримда. Кейин аризамга қўл қўяр экан, менга жилмайгандек бўлди.

- Хўл, сизни ишга қабул қилдик. Ёрдам керак бўлса, ҳеч тортинмай менга айтинг. Ўртоқ Қосимхўжаевга мендан салом айтиб қўйинг.

Тез орада Холчаев олдига 20 дона шифер сўраб, тўшакдай аризани кўтариб кирдим.

- Ассалому алайкум!

- Э, Қосимхўжаев! Келинг, укаxon. Чарчамай ишлаб юрибсизми? Жиянчалар чопқиллаб ўйнаб юришибдими? Қосимхўжаев акахонимизнинг соғлиқлари жойидами? Келинг!

Амалдорнинг эрка ўғлидай мағрур туриб, аризани ўртоқ Холчаевга узатдим. Бошлиқ аризамга кўз югиртирди:

- Ука, ростини айтсам, шифер ўзи оз эди. Лекин сиздек укахонимиз бир марта илтимос қилиб келса-ю, биз йўқ десак, номардчилик бўлади. Йигитнинг сазаси ўлгунча, шайтоннинг бўйни узилсин,- деди ва аризамга жимжимадор қилиб, имзо қўйди.

- Укахон, Паттаев деган складчигимиз бор. Ўша кишига ўчрасангиз, айтган ўша 20 дона шиферингизни оласиз. Ҳа айтмоқчи, Қосимхўжаев акахонимизга мендан алоҳида салом айтиб қўясиз-да, хўпми?

Кейин билсам, «амаким» Қосимхўжаев курилишга ишга кирмасимдан бир-икки кун олдин катта бир идорага раҳбар этиб тайинланган экан.

Ч Ў Н Т А К

Ўртоқ Бозор Эргашевнинг ғалати одати бор. Кўнглига ўтиришиб қолдингизми, сизга бор сирини очиб ташлайди. Мана, яқинда ўша ғалати одати Бозор Эргашевни сал ҳира қилиб қўйди.

Янги ишчи Аҳмадилло унинг кўнглига ўтиришиб қолди. Шу болани кўрса, негадир бир энтикиб қўяр эди.

- Укам Аҳмадилло, чўнтакни биласанми?

- Биламан, «Чўнтак» да ош қилиб еганмиз.

- Билмас экансан. Шу саволга жавоб топ. Жавоб топсанг келиб айтарсан.

- Хўп.

Аҳмадиллонинг фикри - ёди ишда ҳам, уйда ҳам прораб Бозор Эргашевнинг «чўнтак» саволига жавоб топиш бўлди. Чўнтак нима?

Эртасига Аҳмадиллодан Бозор Эргашев яна сўради.

- Чўнтак нима?!

- Бозор Эргашевнинг бу антиқа имтиҳонидан Аҳмадиллонинг ғаши келиб:

- Чўнтак, бу – пул, -деди ўйламай -нетмай.

- Отанга раҳмат, ука. Ичимсан-да, ичим. Гап бундай: тез кунларда комиссия келади. Уларни меҳмон қилиш керак. Сенинг номинга алоҳида 500.000 сўмлик наряд ёндим. Шунга қўл қўясан, вассалом - иш тамом.

-Қўйинг, ака, бундай қинғир ишларни. Ахир мен 500.000 сўмга лойиқ иш қилганим йўқ-ку?!

-Узумини е, боғини суриштира. Қўл қўй.

-Қўймайман.

-Қўймайсанми?!

-Йўқ.

-Бўлмаса, ишдан ҳайдайман. Шу бугунок аризангни ёз. Келиб-келиб сенга сиримни айтдимми? Тоза нон емас экансан-ку?

Эртасига Аҳмадилло ишдан кетиш учун ариза кўтариб келди. Ўртоқ Бозор Эргашев Аҳмадиллога бир ит қараш қилдида, ундан қоғозни олди.

«Ушбу аризани ёзишимдан мақсадим шуки, бу ерда давлат мулкини талон – тарож қилаётганларнинг кўплиги, порахўрликнинг авж олаётганлиги, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилаётганлиги учун ҳам ишлай олмадим. Шунинг учун ишдан кетмоқчиман».

Ўртоқ Бозор Эргашев аризани кўздан кечирар экан, бирдан аччиқ дори ичган одамдай афти бужмайиб кетди.

-Ҳо Аҳмадилло, аризани ҳам шунақа ёзадими. Бунақада чўнтакни йиртасан-ку!

Ўртоқ Бозор Эргашев Аҳмадиллонинг орқасидан югурди.

- Ҳо, Аҳмадилло...

ҚАТРАЛАР

ҲАММАМИЗ ҚАРИНДОШМИЗ

Ишдан эндигина келиб чой ичиб ўтирган дадасидан Жасур сўради:

- Дада, мени ким туққан?
- Сени ойинг туққан, ўғлим.
- Сизни-чи? – сўради Жасур.
- Мени бувинг туққанлар
- Ойимни-чи?
- Рўзи бувинг туққан.

Бўлмаса, ҳаммамиз қариндош эканмизда-а?

ТАЖАНГ

- Болтангизни бериб туринг. Озгина қуруқ ўтин қилиб олай, - деб сўради Толиб аканинг қўшниси.

- Болтам йўқ, - жавоб берди Толиб ака.

- Гапга киринг, - деди қўшниси чиқиб кетаркан. Толиб аканинг пешонаси тиришиб, тутоқиб кетди:

- Ҳа, мен гапга кирмайдиган одамман, кимга айтсанг, айтавер.
- Нималар деяпсиз? Бугун жўраларимга гап бермоқчиман, сиз ҳам шунга кириг, деяпман.

РАСМИ, ИТ ҲУРАДИ-ДА!

Йўлдан қоп кўтариб одам ўтиб қолди. Ит унга қараб хурди. У шунда Итга Тош отмоқчи бўлиб ерга энгашди.

- Э, одам, йўлингдан қолма. Расми, Ит хуради-да! - деди Тош.

ТУЗЛАБ ҚЎЙДИ...

- Мен қўй ёғи, қўй гўштида бўлган энг тансиқ таомман, - мақтанди палов.

- Мен бўлмасам сени ҳеч ким емайди! - деди Туз ачитиб.

«ҲУРМАТ»

Кураш майдонида икки полвон куч синашар эди. Биринчиси ҳаддан ташқари барваста, иккинчиси унинг акси бўлиб, жуссаси анча кичик эди.

Биринчиси йиқилди.

- Шу ёш боладан ҳам енгилдинг-а? - деди полвоннинг дўсти ачиғиб.

- Э, нималар деяпсан? Ахир бу боланининг отаси бошлиғимиз Салим Каримович бўладилар-да! - жавоб берди полвон.

«ПУЛПУЛ»ЛАЯПТИ

-Кўшни, чироғимиз бир ўчиб, бир ёниб пилпилляяпти, бир кўриб қўйинг?

-Хўп бўлади. Қани, кўрайликчи. Ис, кўшни, чироғингиз пилпиллагани йўқ, пулпулляяпти, - деди Фулом монёр.

«ҲАММАМИЗ ШУ ЕРГА КЕЛАМИЗ»

Помидор Саримсоқпиезга мақтаниб:

- Мен лоладек қип-қизил бўлиб пишаман. Одамлар мени суйиб истеъмол қилишади. Сен эса сассиқсан. Одамларга унча

керагинг ҳам йўк, - деди. Куз ҳам келди. Одамлар помидорни узиб Саримсоқпиез билан бирга идишга солиб, тузлаб қўйишди.

Шунда Саримсоқпиез:

- Яхши эмас, бировларни камситиш, ҳаммамизни келадиган жойимиз шу ер, - деди.

ЧОРСИ ВА ИГНА

- Бағримни тилиб, тилка-порамни чиқариб юбординг-ку! - деб чорси Игнадан нолиди.

- Жон қойитмасанг, жонона қайда, тоққа чиқмасанг, дўлона қайда, деган эканлар. Яна озгина чидасанг, одамлар сени эъзозлаб белига боғлаб юришади, - деди Ип.

КОНФЕТ БЕРМАС ЭКАН

Ўжарвой мактабдан келиши билан жанжал қила бошлади.

- Энди мактабга бормайман, боғчага қатнайвераман.

- Ҳа, нега энди? - сўради она куйиниб.

- Боғчада ҳар куни конфетлар берарди. Мактабда эса конфет бермас экан.

БАЙРАМ ҚАЕРДА


- Ада, пул беринг.

- Пулни нима қиласиз, ўғлим?

- Байрамга бораман.

- Байрам қаерда экан?

- Хўроз қанд сотаётган жойда.



ДУНЁ СЕНГА ТОРМИДИ?

Турмуш ўртоғим хотирасига

Токқа ёққан қормиди?
Раҳимахон бормиди?
Раҳимахон бор бўлса,
Бир умрга ёрмиди.

Балиқ тўрга илинди,
Юрак бағрим тилинди.
Раҳиманинг йўқлиги,
Энди ёмон билинди.

Молу дунё топилди,
Эгри девор чопилди.
Холисхоннинг тўйида,
Патир, сомса ёпилди.

Ўғил-қизим келади,
Неваралар кулади.
Раҳимани эсласам,
Юрак бағрим куяди.
Дунё сенга тормиди...

ТОЗАГУЛ

Қизимга

Табриклайман, қизим, бир ёшга тўлдинг,
Ойдеккина чиройли гўзал қиз бўлдинг.
Зилола чиройда сендан қолмайди,
Абдулла, Шерларга сингилжон бўлдинг.
Гул ҳам, зар ҳам сендан айлансин қизим,
Унгин, ўсгин, бахтли – тахтли бўл қўзим.
Ватанга лойиқ бўл шудир орзуим.

ТЎРТЛИКЛАР

Дарахт tupрокнинг нами билан яшар,
Саҳий бировнинг гами билан яшар.
Бойликнинг кетидан қувган кимсалар
«Очкўз», «еб тўймас» номи билан яшар.

Қишда ўрикни гулламаслигини биламиз,
Бахилнинг боғи кўқармаслигини биламиз.
Тухматчи-ю ёлғончи, мутгаҳамнинг қалбида,
Яхшилиқнинг ҳеч ниш урмаслигини биламиз.

Яхшига кун йўқ, ёмон ўлмайди,
Очкўзнинг ҳалтаси сира тўлмайди.
Яхши ишингни кўролмайди у,
Оғзидан чиққани: «Йўқ, бўлмайди».

Ёмонлик қилдим, яхшилиқ қайтди.
Яхшилиқ қилдим, ёмонлик қайтди,
Яхши деганим ёмон чиқдику!
Вожаб бу ҳолдан бошларим қотди.

Баҳорда чигит экиб, кузда хирмон топасан,
Ҳалол меҳнатинг-ла, элда шон топасан.
«Оқ олтин» устидаги меҳнатингга минг раҳмат,
Тер тўкиб, ҳосилингдан олий нишон топасан.

Мен пахтаман - чаман-чаман,
Эрта тонгда юз очаман.
Теринг мени тоза-тоза,
Сизларга мен бахт сочаман.

Мундарижа

Хотиралар Ота	3
Рустам Раҳмонов	5
Муҳаммад ЮСУФни эслаб	7
Ғўза «жини»	10
Новеллалар . Бир оғиз гап	11
Кўнгил шишаси	12
Ҳажвиялар . «Амаким»нинг дами	13
Чўнтак	14
Қатралар	15
Шеърлар	18

Адабий-бадий нашр.

Ҳамиджон Ўтанов. «Бир оғиз гап». (Хотиралар, қатралар,
ҳажвиялар, шеърлар)

Мухаррир:
Компьютерчи:
Мусаҳҳиҳ:

Пўлат АБДУЛЛА
Рустамжон Исмоилов
Мадина Усмон

Босмахонага 2005 йил 2 февралда берилди.
Босишга 2005 йил 18 февралда рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 1,25 б/т.
Буюртма №373. 550 насхада.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Андижон нашриёт-матбаа» ОАЖ босмахонасида босилди